



Ishonch

МОХИЯТ
Наврўзи оламини биз ўзининг чуқур маъно-маъмуни ва фалсафаси билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебачиси сифатида ардоқлаймиз.
Ислом **КАРИМОВ**

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Янги кун янгиликлари

Наврўз байрами арафасида **Фарғона вилоятининг** Олтириқ туманидаги Гайрат қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Бўритепа маҳалласида ҳашар йўли билан қурилган гузар иш бошлади.

Фарғона туманидаги Бөрүний номли ва «Тинчлик» маҳалла фуқароларининг ташаббуси билан йиғинлар учун идора бинолари қурилиб, тантана билан фойдаланишга топширилди.

Сирдарё вилоятида 77 та савдо дўкони, дорихоналар ҳамда спорт майдончалари, маиший хизмат иншоотлари ишга туширилди.

Андижон шаҳридаги 5-сонли маҳалла фуқаролар йиғинида болалар спорт майдончаси, Қўшариқ даҳасида савдо мажмуаси, «Янги Найнаво» маҳалласида волейбол майдончаси қуриб битказилди. «Гар-гар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида эса 60 кишилик даволаш маскани ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Самарқанд вилояти Урганч туманидаги «Терсак» маҳалласида ҳашар йўли билан катта ҳовуз қазилиб, атрофига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Пахтачи туманидаги Райимқул номли маҳалла фуқаролар йиғини, Жомбой туманидаги «Шерқўрғон» фуқаролар йиғини бинолари ҳам ҳашар йўли билан бунёд этилди.

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги «Бўстон» маҳалласида «Оталар» чойхонаси, Термиз шаҳридаги «Гарм» маҳалласида «Давр» супермаркети ажойиб байрам совғаси бўлди.

Бойсун туманидаги «Шўрсой» ва «Мустақиллик» маҳаллаларида ичимлик суви иншооти қурилиши поёнига етди. 20 километрлик сув қувурлари ётқизиilib, аҳоли ичимлик суви билан таъминланди.

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида «Ёшлик» спорт мажмуаси, Фазалкент шаҳрида 60 ўринли спорт майдони иш бошлади. Бўка туманидаги «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Туябўғиз қишлоғида эса янги газ тармоғи аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Ўз мухбирларимиз



Наврўз

Келди кўклам юртимизга кўркини кўз-кўз қилиб, Шод бўлинг, хуррам бўлинг, дўстлар, бугун наврўз қилиб. Сумалак тўлган қозонлар теграида жам бўлиб, Шўх гурунг курсин ёронлар кечани кундуз қилиб, Нағмасоз, чертил торингни куйга тўлсин еру кўк. Сархуш айла ҳар кўнгилни «Ушшоқ»у «Феруз» қилиб. Шўх келинлар давраларда дурраларни дол қўйиб, Яйрасунлар, Усмалардан қошларни кундуз қилиб. Нозанин қизлар кўнгилга оташу тугён олиб, Ошигин ўтларда ёқсин, кўзларни юлдуз қилиб. Бу суюқ айёмда ҳеч ким илтифотсиз бўлмасин, Ҳеч киши, ҳеч бир кишини кетмасин маънос қилиб. Кел, Охунжон кўнглига ёққил чироклар, Наврўзим, Шомларимни кундузу, душманни менга дўст қилиб.

Охунжон **ҲАКИМОВ**, Ўзбекистон халқ шоири

Ҳар гўшада тўқинлик

Ҳар бир вилоятда бу айёмни ўз турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда ўтказилади. Хусусан, Фарғонада Наврўзоним ўз дугоналари билан усти очик безатилган машиналарда кўчаларни карнай-сурнай садолари билан айланади. Сўнг белгиланган жойга Баҳор янги ҳаёт тимсоли — ниҳолларини экади. Қашқадарё вилоятининг Арабхона қишлоғида ҳам Наврўз ўзгача руҳда нишонланади. Янги келин олган қайнона байрамдан уч кун олдин ўрик туршагидан шарбат тайёрлайди. 20 март кунини тепаликларга чиқиб, дастурхон тўзаб, келин томонининг қариндошларини чорлайди. Уларга ўша шарбатдан сузиб беради. Фориш тумани қишлоқларида айём халқ миллий таомларини тайёрлаш бўйича ўзига ҳок қўриққа айланган кетади. Байрам дастурхонидан сумалақдан ташқари барак, бичак, юпка, гўжа ош, ун оши, кесган ош, қатламалар пиширилади.

Энг муҳими, ҳамма Наврўзни аъло кайфиятда кутиб олади. Ундан олган таассуротлар йил бўйи ёдларида сақланиб қолади.

Рихисиниса **КОМИЛЖОНОВА**, филология фанлари номзоди

Изҳор

«Барча шодлик сизга бўлсин...»

Дарахтлар шохига гул тақдан, майин майсалар шабада кулугига инжа сирларини шивирлаб тебранган бахтиёр кунларда юртимизга Наврўз кириб келди. Баҳорнинг таровати, саховати айни шу байрамда ўзгача намойён бўлади. Бу кунни одамларгина эмас, табиат ҳам интиқиб кутади чоғи: чор атрофни гулга, нурга буркантиради. Нозиккина чечакларнинг юзини гўбур босишидан чўчиб, тез-тез ёмғир томчилари билан ювиб туриши ҳам ўзгача. Бу мекри-бонликни кўриб, ўзбегимнинг қизлари ҳам баайни шу бегўбор гуллар каби дегим келади. Уларга кўрсатилмаётган эътибор ҳам ниҳоятда улкан.

Бу баҳорда менга ҳам худди шундай имконият яратилди: Зулфия номдаги давлат муқофотига сазовор бўлдим. Келажакдаги муваффақиятларим билан билдирилган ишончи оқлашга ҳаракат қиламан.

Ўзбегимнинг бахтиёр қизларидан бири сифатида Яратгандан ҳамisha яхшилик сўрайман. Баҳорий тенгқунлик мўъжизасига гувоҳ бўлаётган юртдошларимизга соғлиқ, тотулик, Наврўз тонгидек бегўборлик ёр бўлсин. Тонгдошларимга эса баркамоллик ва интилуванлик ҳамisha ҳамроҳ бўлишини истардим.

Инсонларга наф келтиришни энг олий бахт деб билувчи, тиним билмас касабга уюшма фаолларига эса ҳамisha юзингиз ёруғ бўлсин, юксак мақсадлар ҳамisha интих баш эъсин дегим келади. Уларнинг фидокорлиги ва жонқурилигига ўтган йили яратган «Оромгоҳдаги ором» лойиҳамни амалга ошириш жараёнида гувоҳ бўлгандим. Айни шу фазилатлари билан эл дуосини олаётган касабга уюшма фидойилари қалбидан ҳам баҳор кетмаслигини тилайман.

Осиё **ЖАЙЛОБОВА**, Зулфия номдаги давлат муқофоти соҳибдори

Саховат

Кўнгиш шод бўлди

Наврўз байрами арафасида «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси Бехбуд Жумаев бир гуруҳ фаоллар билан Жондор тумани «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Жўйсифед қишлоғида яшовчи Очилловлар хонадонига ташриф буюрди.

Хонадоннинг азиз фарзанди, тумандаги 26-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Рамазон Шариповни баҳор байрами билан муборакбод этиб, унга энг сўнгги русумдаги компьютер жамланмасини совға қилишди. Гап шундаки, Рамазон Шарипов болаликдан ногиронли-

ги сабабли мактабга катнай олмайди. Уйда тахсил олади. Алоҳида дарсхонаси бўлиб, у ерда парта, доска, стол-стул ва барча керакли ўқув қуроллари мавжуд.

Отаси Рустам Очиллов фермер ҳўжалигида механикатор. Онаси Зўхра Очиллова Рамазонга қарашади.

— Рамазон жуда қобилиятли ўқувчиларимиздан, — дейди унинг устозларидан бири Диррабо Бозорова. — Ҳамкасбларимиз билан келиб у билан мунтазам машғулот ўтказамиз. Фанларни пухта ўзлаштиради. Адабиёт, информатика, математика унинг жону дили. Адабиётга қизиқиши жуда баланд. Навоий, Бобур ва бошқа шоирларимизнинг кўп шеърларини ёд олган. Уларни маҳорат билан айтганда ёки ўқиганда яйраб кетасан киши.

Иззатулла **ҲОЖИЕВ**, «Ishonch» мухбири



Ховли тўйлари

Янги уйлар муборак!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

«Учкизил» қишлоқ фуқаролар йиғини Термиз тумани марказини ташкил этади. Янгиҳаёт, Орол, Халқобод, Паррандачилик, Учкизил маҳаллаларидан таркиб топган ҳудудда 3600 онлаги бирлашган 17200 киши умргузаронлик қилади.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шодмон Қурбонов чарқок нималигини билмайдди. Вақтинчи маҳаллаларда, халқ орасида ўтказилади. Ободончилик, озодалик тadbирларига, бетоб кишилар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишга асосий эътибор қаратилган.

Шодмон Қурбоновнинг тadbиркорлиги яхши натижа берапти. Бунга кейинги йилларда туман маркази ўзгача қийфа касб этаётгани, равон йўллар, янги хийбоналар кўзга ташланиб, кўркам бинолар қад кўтараятгани яққол мисолдир. Шу ўринда қуйидаги рақамларга эътибор берайлик.

«Учкизил» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 3277 та ҳўжаликнинг 95 фоизи табиий газ, 82 фоизи эса тоза сув билан таъминланган. Утган йили аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари сони ўн олтигача кўпайтирилиб, йигирма еттига иш ўрни яратилди. Ички йўллардан ўн иккитаси таъмирланди. Бунда қишлоқ оқсоқо-

ли Шодмон Қурбонов билан олкамалка туриб астойдил ишлаётган Нормурод Эрнарзоров, Баҳром Сатторов, Алишер Ойтуғанов, Зийда Қорёғдиева, Дилором Турсунова сингарни маҳалла раисларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Оқсоқолларнинг қишлоқ қурилишини ташкил этишдаги ташкилотчилиги, айниқса, диққатга сазовор. Туманда аҳолига яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш шу ердан бошланди, — дейди туман бosh меймори Эшпўлат Элмуродов. — Оқсоқоллар уй қуриш учун ер ажратиб беришни сураб мурожаат қилган фуқароларга унинг афзалликларини тушунтиришди. Дарҳақиқат, турар-жой биноси қурмоқчи бўлган киши ортиқча ташвишдан холи бўлади, вақт йўқотмайди. Қисқа муддатда барча имкониятга эга уй-жойга кўчиб киради. Бу кимга ҳам ёқмайди. Бир вақтнинг ўзида 40 кишидан буюртма тушди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон — келажакдаги буюк давлат

Ҳаётини муҳандислик соҳасига бағишлаган техник-мутахассис сифатида 17 йилдан буюн автомобилсозлик корхонасида меҳнат қилиб келаман.

Яратганга шукр, Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан битилган Асакадаги «УДЭУавто» қўшма корхонасининг қурилишидан тортиб, бугунги кунга қадар бўлган барча жараёнларида қатнашдим. Ҳатто юзлаб ходимларимиз билан бирга Корея Республикасида малака оширдим. Янги техник соҳаларим ва олган билимларимни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш имкони бўлганидан мамнунман.



Тараққиёт ва фаровонлик йўлида

Фаолиятим давомида мамлакатимиз Президентининг бу завод қурилиши учун қанчалар жон қўйдириб, бир неча бор Асакага ташриф буюрганини кўрганман. Ушанда мамлакатимиз раҳбари ҳар бир технологик қурилмага алоҳида эътибор қаратгани, ходимлар билан унрашиб, ўз фикрларини билдирганига гувоҳ бўлганман.

Йиллар ўтиб, Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қатнашган ва унда Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасини тинглаш бахтига мушарраф бўлдим.

Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур» деган сўзлари биз сингарни ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари зиммасига улкан масъулият оқлайди.

Шу боис корхонамизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги автомобил моделларини жорий этиш, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, янги

иш ўринлари яратиш, пировардида дунёдаги гигант автокорхоналар билан рақобатга киришиш ва жаҳон бозорига ўз ўрнимизга эга бўлиш бизнинг яқин келажакдаги вазифаларимиз сирасига қиради.

Корхонамиз тарихига назар солидиган бўлсак, 1996 йили 25300 та автомобил ишлаб чиқарилиб, уларнинг асосий туркуми «Тико», «Дамас» ва «Нексия»нинг илк моделларидан иборат эди. Бу йил эса жамоамиз 216000 та автомобил ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Бугун «GM-Ўзбекистон» ЕАЖда янги русумли «Нексия-2», «Дамас-150», «Матиз-2», «Ласетти-3», «Такума», «Эника», «Каптив» сингарни замонавий моделдаги автомобилларни ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Утган йили ишлаб чиқарилган автомобилларнинг сони 205011 тани ташкил этди.

Корхонамизда яна бир янги русумли «М-300» номини олган автомобил ишлаб чиқариш йўлига қўйилмоқда. Насиб этса, яқин кунларда ушбу кулай ва илҳам машиналар харидорларга етиб боради. Айни кунларда пресс центрини модернизациялаш ва техник ривожлантириш, остнақсаларни янгилаш, автомобил қисмлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурлари бўйича иш олиб бораётишимиз.

Бугунги кунда корхонамизда 7000 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 70 фоизи ҳар томонлама билимли, малакали ва изланувчан ёшлар эканлиги дилларни қувонтиради.

2007 йили туманимизда Асака автомобилсозлик коллежи барпо қилиниб, унда ёшлар учун барча шароит муҳайё этилган. «Узавтосаноат» компанияси ҳамда корхонамиз мамыурияти ушбу коллежга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келади. Талабаларнинг касбий маҳоратини ошириш, назарий билимларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида қатор ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича цехларга дастохлар ўрнатилди.

Ҳозир бу ерда «Нексия» автомобиллари учун 2 турдаги деталлар етказиб берилмоқда. Бу эса қўшимча даромад топиш ва янги иш ўринлари яратишда муҳим омиллардан биридир.

Бунёдкор жамоамизнинг мақсади улуг. Ҳамиша олға интилиб, ривожланган мамлакатлар билан бўйлашиб, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида тинмай изланаверамиз.

Маврутали **РАЖАПОВ**, сенатор, «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонаси ишлаб чиқариш бошқаруви директори

Эътироф

Анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи байрамона руҳда ўтди.

Тадбир вилоятда янги тадбиркорлар, номлар ва маҳсулотлар пайдо бўлганлигини аниқлади. Улардан бири сайхунбодлик ишбилармон Бахтиёр Иброҳимов бўлиб, кўргазмада ўзи бошқарётган «Шифо» кичик корхонаси ишлаб чиқарган маъданли сув намуналари билан катнашди.

Унинг саёб-ҳаракатлари ҳақамилар хайрати томонидан муносиб тақдирланди. Кўрик-танловнинг «Энг яхши тадбиркор» йўналишида фахрли ўрин Гулистон туманида самарали фаолият кўрсатиб келаятган хусусий «Микровит» корхонаси раҳбари Виктор Урбановичга насиб этди.

Маҳаллий қолбаса маҳсулотларини сифатли чиқаришни йўлга қўйган ташаббускор тадбиркорга енгил автотомобил совға қилинди. Тадбирда иштирок этган фермер хўжаликлари ўртасида Соҳиб Бобоназаров голиб деб топилди.

«Энг яхши хўнараманд» унвонига эса Мадинахон Хожиева сазовор бўлди. Соғирдорларга тегишли дипломлар ва қimmatбахо эсдалик совғалар, шунингдек, касабо уюшмаларига қарашли сихатгоҳларга бепул йўланмалар тантанали вазиятда топширилди.

Пиримкул ДУСТМАТОВ, «Ishonch» мухбири



«Ташаббус — 2010»

Азатбой болалигидан мусика асбоблари ясашга қизиқарди. Отаси тор ясаши қиришиши билан гоҳ пинжага тикилар, гоҳ атрофида ўралашиб, сира нари кетмасди. Нихоят, у ҳам отаси каби уста бўлиб етишди. Қамиш, ёғоч, темир ва лойдан чолғу асбоблари ясаши сирларини пухта ўзлаштирди. Кейинчалик эса хунарини қирқдан зиёд шогирдига ҳам ўргатди. Эндиликда у яратган асбоблар Қорақалпоғистонда анча харидордир.

— Айти пайтда маҳаллий хом ашёдан 13 турдаги қорақалпоқ мусика асбоблари тайёрлаялми, — дейди хўнараманд. — Хусусий корхонамизда беш киши фаолият кўрсатади.

Наврўз айёмини Азатбой ўтарбөөв хуш кайфиятда кутиб олмақда. Чунки у «Ташаббус — 2010» танловининг Қорақалпоғистон босқичида «Энг яхши хўнараманд» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди.

Нукус туманидаги «Дамиота» фермер хўжалиги раҳбари Урозбой Тўлепов эса танловнинг «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича биринчи ўринга

сазавор бўлди. — Хўжалигимиз чорвачиликка ихтисослашган, — дейди Урозбой оға. — Айти пайтда 25 нафар ишчимиз билан 120 та қорамолни парвариш қилялми. Бултўр элдошларимизга 28 тонна сўт ва 5 тонна гўшт етказиб бердик. 127 гектар ернинг йигирма гектарига 80 тон-

на галла, яна йигирма гектарига 300 тоннадан ортиқ полиз маҳсулотлари ва сабзавот етиштирдик. Иссиқхона, хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил қилдик. Йилни 20 млн. сўм соф фойда билан яқунладик. Шу каби ютуқларимиз эвазига мана голибликни қўлга киритиб турибмиз.

Танловнинг «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича голиб чиққан Нукус шаҳридаги «Интер-Фарм» корхонаси раҳбари Александр Галимов офис, уй-жой ва тиббиёт муассасалари учун мебель ишлаб чиқариши билан шуғулланади. Эндиликда унинг корхонасида яратилган мебельлар импорт ўрнини босишга қодир бўлиб, қорақалпоқ хонадонларига, қорхона ва ташкилотларга, шифохоналарга дадил кириб келмоқда.

Танловнинг шаҳар ва туман босқичлари 1100 дан зиёд тадбиркор, фермер ва хўнарамандга маҳоратини намойиш этиш имконини берган эди. Республика босқичида эса 46 нафар тадбиркор, фермер ва хўнараманд иштирок этди.

Танлов доирасида, шунингдек, иштирокчиларнинг маҳсулотлари ва хизматлари кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Голиблар диплом ва қimmatбахо совғалар билан тақдирланди.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Танловнинг «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича голиб чиққан Нукус шаҳридаги «Интер-Фарм» корхонаси раҳбари Александр Галимов офис, уй-жой ва тиббиёт муассасалари учун мебель ишлаб чиқариши билан шуғулланади. Эндиликда унинг корхонасида яратилган мебельлар импорт ўрнини босишга қодир бўлиб, қорақалпоқ хонадонларига, қорхона ва ташкилотларга, шифохоналарга дадил кириб келмоқда.

Танловнинг шаҳар ва туман босқичлари 1100 дан зиёд тадбиркор, фермер ва хўнарамандга маҳоратини намойиш этиш имконини берган эди. Республика босқичида эса 46 нафар тадбиркор, фермер ва хўнараманд иштирок этди.

Танлов доирасида, шунингдек, иштирокчиларнинг маҳсулотлари ва хизматлари кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Голиблар диплом ва қimmatбахо совғалар билан тақдирланди.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Тараққиёт ва замон

Мулатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театрида Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун «Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 400 нафардан ортиқ иштирокчи орасидан юқори кўрсаткичларга эришган 41 нафар тадбиркор, фермер ва хўнараманд иштирок этди.

Учта асосий йўналиш — «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши хўнараманди» ҳамда «Йилнинг энг яхши фермери» номинацияларида голиблар аниқланди. Шунингдек, қўшимча равишда «Энг ёш тадбиркор», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Энг яхши ёшларга иш берувчи қорхона» ва «Йилнинг энг

яхши хўнараманд оиласи» йўналишларида ҳам совриндор номи маълум бўлди. Бундан ташқари, кўрик-танловнинг вилоят босқичини ўтказишга ҳомийлик қилган қорхона ва ташкилотларга «Олтин ҳомий» ва «Кумуш ҳомий» фахрий ёрлиқлари топширилди.

Шуниси эътиборлики, ўтган йиллар қашқадарёлик хўнараманд, фермер ва тадбиркорлар «Ташаббус» танловининг республика босқичида муваффақият қозонишган. Миришорлик фермер Амир Файзиёв 2008 йилда бош мукофот соҳиби бўлган бўлса, яккабоғлик тадбиркор Эркин Тўхтаев 2009 йилда 2-ўрин соҳибига айланган.

А. АКМАЛОВ

Андижон вилояти савдо-саноат палатасида Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг вилоят босқичи ниҳоясига етди. Унда 48 нафар тадбиркор, фермер ва хўнараманд иштирок этди.

Ғолиблар аниқланди

Шаҳрихонлик пичок устаси Иброҳим Раҳимов «Энг яхши хўнараманд», деб топилди. «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича «Олтинқул парранда» фермер хўжалиги (раҳбари Шамсиддин Холиков) голиб бўлди.

Хўжаобод туманида фаолият юритаётган «Ал-Ҳаким» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси (раҳбари Исроил Ураимов) энг яхши тадбиркор, деб эътироф этилди. Ғолиблар республика босқичида катнашади.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Меҳр-саховатт айёми

Азиз юртдошлар! Яшариш ва янгилаш айёми, энг қадимий, энг ардоқли асл миллий байрамимиз саналмиш Наврўзи олам барчангизга муборак бўлсин! Ушбу кутлуг кун шодийнени йил бўйи бизларни тарк этмасин, инсоний хўрмат-эҳтиром ифодаси сифатида ҳамisha ҳамрозу ҳамроҳлик қилсин!

Наврўзнинг бутун дунё эътироф этган ва аҳдоқларимиздан то бизга қадар етиб келган ўзига хос фалсафаси шундан иборатки, яхшилик ва эзгулик қўчоқ очиб кутиб олинган гўшада йилнинг тўрт фаслида баҳорий кайфият ҳўкм суради. Қўмакка муҳтож одамларга, бева-бечора ва етим-есирларга, беморларга меҳр-муруват кўрсатиш, ўтганларни хотирлаш, табарруқ отахону онахонларни зиёрат қилиш, уларнинг дуосини олиш қалб амри, кўнгил даъватига айланади.

Баркамол авлод йили бизни ҳар қачонгидан энг шимариб ишлашга, авваламбор туримуш тарзига бўлган муносабатимизда сифат ўзгаришлари қилишга ундамоқда. Бунинг учун не-не замонлар силсиласидан омон-эсон ўтган миллий қадриятларимизга янгича маъмул бахш этишимиз ва энг муҳими, азиз ўғил-қизларимизни ҳам ана шундай эзгу фазилатлар соҳиби бўлиб воёга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз лозим. Чунки Юртбошимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт.

Бундай фазилатлар эса, сара уруғ тобида шугдор қилиниб, рисоладагидек олинган эгзатлар бўлиб сочилгани сингари, шахсий ибрат воситасида қарор топиб боради. Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътиборда бўлиш, муруват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, шу ва шу қабилар юзасидан амалий намуна кўрсатиш йўли билангина тарбия таъсирчанлигига умидвор бўлиш мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда, меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳўқуқий манфаатлари ҳўмоясини кўнайитириш, иш шароити ва муҳофазаси, меҳнатга ўз вақтида ва муносиб ҳақ тўлаш, бандлики таъминлаш, илчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий қўмақдош бўлиш каби долзарб масалалар жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари орқали мустаҳкамлаб қўйилишига эришилаётганини нафақат касабо уюшмалари нуфузини оширмоқда, балки бунинг натижаси ўлароқ аъзолик афзаллигини тушуниб, сафимизга қўшилаётганлар сони ҳам муттасил ортиб бормоқда. Жойларда қизгин давом этаётган касабо уюшма ҳисобот-сайлов йилгилишлари ва конференциялари асосида бу яна бир марта тасдиқдан ўтаётди.

Истагимиз шуки, юртимиз тиң, ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлсин. Хонадонларимиздан кут-барака аримасин. Кўнгил офтоби тўрт фасл, чарақлаб, сатр оламини нурафшон этсин!

Наврўзи олам муборак, азиз юртдошлар!

Ўзбекистон касабо уюшмалари Федерацияси кенгаши



Янги уйлар муборак!

(Боши 1-бетда)

— Фирмада ишлашман. Турмуш ўртоғим эса деҳқон, — дейди Гулчехра Домиева. — 5 фарзандни ўстираялми. Уйга эҳтиёжимиз борлиги боис «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси тақдим этган лойиҳалар бизга маъқул тушди. Уч хонали уйни танладиқ, баҳоси 57 млн. 958 минг сўм. Унча қimmat ҳам эмас. Барча инфратузилмага эга бўлган бундай уйлар роҳатинон эмасми?

— Биз 5 хонали уйга бюр-тма бердик, — дейди муҳандис Парда Шаропов. — Ҳамма ҳужжатларни тақдим этганмиз. Дастлабки 15 млн. сўм тўловини ҳам тўладик. Энди уйнинг битишини кутаялмиз.

Дастлабки 20 та лойиҳа алоҳида ажратиб олинди. Уларнинг умумий қиймати қарийб 2,5 млрд. сўмга етди. «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси турар-жой биноларини бунёд этишга асосий бюртмачи бўлди. Дастурни «Қишлоқ қурилиш банк» и молиялаштирди. Бу ишни амалга ошириш учун қурилиш қорхоналари ўртасида ўтказилган тендерда Нуриддин Утаев раҳбарлик қилаётган «Пардоз» куп тармоқли фирмаси голиб чиқди.

Фирма қурувчилари қишлоқ йиғинига қарашли Паррандачилик маҳалласи ҳудудидан ажратилган икки гектар ерда иш бошлади. 20 та бригадга бирлашган 180 нафар ишчи тондан шомга қадар фидокорона меҳнат қилди. Натижа тезда қўзга ташлана бошлади. Хозирда барча биноларнинг томи ёпилган, эшик ва деразалар ўрнатилган. Деворлари қумшувоб қилиниб, тахта поллар қўқилди.

Қурувчиларнинг иши билан танишаётганимизда бино ёнига кулранг «Нексия» келиб тўхтади.

— Бу киши бюртмачиларимиздан Маҳкам Қодиров бўлади, — деб таништирди қорхона бошлиғи Нуриддин Утаев. — Мана шу тўрт хонали уй

Маҳкам акага тегишли. Иморат битай деб қолди. Ҳовли тўйи ўтказилди деганлар яқин. Худо хоҳласа Наврўз байрамининг янги уйда нишонлашади.

Фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам бюртмачи билан уйга кирдик. Хоналар шинам қилиб қурилган. Ошхона, омборхона, ҳаммом, ҳатто молхона ҳам эътибордан четда қолмаган. Иситиш тармоғи, газ, сув, электр таъминоти ўз ўрнида.

— Қурувчилардан миннатдоримиз, — дейди Маҳкам ака. — Қўллари дард кўрмасин. Аввало, Президентимизга раҳмат. Бизнинг уйли-жойли бўлишимизга



катта имконият яратиб берди. Шу уй 61 млн. 963 минг сўм туради. Унинг атиги 15 млн. сўмининг биз бердик. Пулиннинг қолган қисмини банк 15 йиллик кредит ҳисобидан тўлади. Ҳеч қийналмай банкнинг қарзидан қутуламиз, уй эса ёнимизга қолади.

Термиз туманида қурилиши жадал туш олган биноларда пардозлаш ишлари бажарилмоқда. 20 та оилда Наврўз шодийнелари янги уй базмига уланиб кетади. Тўй бошида эса қишлоқ оқсоқоли Шодмон Қурбонов туриши тайин.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Яқинда Янгикўрғон туманига бораётиб, Шарк Юлдузи кишлоғида савлат тўкиб турган янги уйларни кўриб, хайратда қолдик. Шу пайт дарвоза очилиб, ичкаридан зиёли-намо аёл чиқиб, салом берди.

Маълум бўлишича, уй эгаси Муаззам Мўйдинова қишлоқдаги мактабда ўқитувчилик қиларкан.

— Анчадан бери иморат қуришни ниёт қилиб юрардик, — деди Муаззамхон. — Шу мақсадда пича пул ҳам жамгарган эдик. Кишлоғимизда янги лойиҳа асосида пишиқ ғиштдан 30 та уй қуриб беришар экан, деган гап тарқалди. Суриштириб кўрсак, бу гап рост чиқди. Энг муҳими, уй оладиганларга қулай томонларни кўп. Иморат қийматининг 25 фоизи олдин, қолганини маълум муддат ичида тўлаш мумкин экан. Бу биз учун айти мудадо. Маслаҳатлашиб уй қуриш учун йиғиб юрган пулни шартномадаги 25 фоизга ўтказадиган, қолган қисмини ой сайин узиб борадиган бўлдик.

Дарвозадан кириб, уйнинг ичкарисини, бу ердаги қулайликлар билан танишдик. Ҳавас қилсангиз арзигудек. Барча қулайликлар муҳайё. Бизга энг маъқул жиҳати, бу томорқа бўлди. Тадбиркор Эъзоза Зокирова ва турли соҳаларда ишлайдиган Холмамат Тўйчиев, Омонулла Нейматовлар олган уйлар ҳам қўркам, бир-бировидан қулай ва барча шароитларга эга.

Бизга маълумот беришларича, уйларнинг ҳаммаси бир қаватли ва тўрт хонадан иборат бўлиб, уларни Жаҳонгир Холмирзаев бошлиқ «Янгикўрғонсаркофтомирқурилиш» МЧЖ ва Баҳодир Парлиев раҳбарлигидаги «Агрогидрозообиомеъмор» хусусий қорхонаси жамоаси барпо этмоқда. Биноларнинг лойиҳа қиймати 58 млн. сўм.

Қурилиш мутахассисларининг айтишларича, қишлоқда замонавий усулда ушбу турар-жойларнинг барпо этилиши учун 2 гектар майдон ажратилган. Ер тупроғи тоза, шўрхоқ эмас. Бу эса иморатнинг қамиди бир аср қад кўтариб туришига кафолат беради.

Қишлоқ вилоят марказига уланиб кетади. Яқин кунларда янги уйлар қад кўтариб турган бу ҳудудни кўрган киши Наманган шаҳрининг янги маҳалласимасмикан, деб ўйланиб қолса, ажабмас.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» мухбири

Ишдаги унумни ошириб...

«Шўртаннефтгаз» унитар шўъба қорхонаси ҳудудига қиришингиз билан Чўлу дашт ҳаёлингиздан кўтарилади. Қорхона теғрасида ташкил этилган «Наврўз» боғи хайратингизни оширади. Ўрдамчи хўжаликларни ривожлантириш борасидаги ишларни айтмайсизми! Жумладан, «Чорвачилик» тармоғида Украинадан келтирилган 978 бош зотли қорамол парвариш қилинмоқда. Олинган сўт маҳсулотлари қорхона ходимлари, «Маҳлиё» мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига берилапти, шунингдек, сотувга ҳам чиқарилапти.

Яқинда фойдаланишга топширилган «Узумзор» ошхонаси, пластик картчоқалари билан савдо қиладиган «Супермаркет» ходимлар учун қулайликлар яратмоқда.

Дарвоқе, зарарли ва ноқулай иш шароитида ишлайдиган ходимларни помидор, бодрич ва бошқа мева-сабзавотлар билан таъминлаш мақсадида иссиқхоналар ташкил этилганлиги ҳам таҳсинга лойик.

Яқинда ушбу қорхонада касабо уюшма қўмитасининг V ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

— Мен учта рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман,— деди касабо уюшма қошида фаолият кўрсатувчи меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсиз-

лиги бўйича доимий комиссия раиси Исомиддин Одилов. — Касабо уюшма қўмитасида 2005 йилда 2732 нафар аъзо бўлган бўлса, 2009 йилга келиб бу рақам 3938 нафарга етди. 2005 йилда 880 нафар бола соғломлаштирилган эди, 2009 йилда бу кўрсаткич 1485 нафарни ташкил этди. 2005 йилда 148 нафар, 2009 йилда эса 1147 нафар ходим турли сихатгоҳларда ҳордиқ чиқарган. Бу ўсишлар касабо уюшма қўмитасининг жонбозлигига аққол мисолдир.

Қўрсонли жамоа вакиллари келгуси беш йилликда ҳам касабо уюшма қўмитаси раислигига Акбар Маматқулович сайлашни лозим топишди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Куч — бирликда

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси, таълим ва фан ходимлари муассасалари уюшмаси вилоят кенгаши ҳамда вилоят мактабдан ташқари таълим муассасалари маркази ҳамкорлигида шу йилнинг 15-17 март кунлари Фарғона политехника институтида «Юксак мақсадлар йўлида бирлашайлик» шиори остида 1-вилоят форуми ўтказилди. Унда ўз касбининг жонқуярлари, таълим муассасалари бошланғич болалар ташкилотларининг етакчилари иштирок этишди.

Етакчилар уч кун мобайнида болалар ташкилоти фаолияти йанада тақомиллаштириш, таълим муассасаларида истеъдодли ёшларни излаб топиш, воёга етмаганлар билан ишлаш бўлими бўлиши Муҳаммаджон Исмоилов, таълим ва фан ходимлари касабо уюшмаси вилоят кенгаши Собирхон Саидқўжаевлар иштирокида муваффақият қилинди.

Форумда ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари ўз маърузалари билан қатнашдилар. Жумладан, вилоят ХТБ маънавий бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Исмоилов, таълим ва фан ходимлари касабо уюшмаси вилоят кенгаши Собирхон Саидқўжаевлар иштирокида муваффақият қилинди. Таълим ва фан ходимлари касабо уюшмаси вилоят кенгаши Собирхон Саидқўжаевлар иштирокида муваффақият қилинди.

Форум иштирокчилари учун барча қулайликларни яратишга таълим ва фан ходимлари касабо уюшмаси вилоят кенгаши хомийлик қилди. Машгулотлардан кейин иштирокчилар учун мусобақа ва танловлар ташкил этилди.

Таълим ва фан ходимлари касабо уюшмаси вилоят кенгаши Собирхон Саидқўжаевлар иштирокида муваффақият қилинди. Таълим ва фан ходимлари касабо уюшмаси вилоят кенгаши Собирхон Саидқўжаевлар иштирокида муваффақият қилинди.

Форум якунида қамол қатнашган етакчиларнинг қimmatбахо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Л.АҲМЕДОВА, таълим ва фан ходимлари касабо уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раисининг ўринбосари, ташкилий ишлар бўлими мудир

Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасида 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган маърузасидан келиб чиққан ҳолда олдимизда турган вазифаларни режалаштириб олдик. Унда Қашқадарёда олиб борилаётган ислохотларда касабани уюшма органларининг фаолигини янада ошириш, ходимларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



Мақсадимиз эзгу, Йўлимиз аниқ

Ўтган йили вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 16,6, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 11,5, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,4 фоиз ошди. Халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида ўсиш кўзга ташланапти. 2 млрд. 362 млн. 500 минг АҚШ доллари миқдорда саноат маҳсулотлари экспорт қилинди. Вилоятда яппи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик ва ўрта бизнеснинг улуши ошиб борапти. Бу ютуқларда вилоят касабани уюшма ташкилотларининг ҳам ҳиссаси борлиги қувонарлиқдир.

2009 йилда вилоятдаги юридик шахс маконига эга 12518 та корхона ва ташкилотнинг 12333 тасида жамоа шартномаси қабул қилиниб, ходимлар ва талабаларнинг 98,5 фоизи жамоа шартномалари билан қамраб олинди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўтган йили 779 та корхона фаолиятини ўрганилиб, меҳнат муҳофазасига оид 4232 та қонунбузарлик аниқланди ва 3492 таси бартарарф этилди. 1600 дан ортиқ ёзма ва оғзаки мурожаат кўриб чиқилиб, 1557 таси ижобий ҳал этилди. 18 нафар ходим ишга тикланди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури бўйича қишлоқларда истиқомат қиладиган 9156 та кам таъминланган оилага 548 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган оилаларнинг 4962 нафар фарзанди жамоа шартномаларига мувофиқ оромгоҳларда бепул соғломлашти-

рилди. 2009 йилда вилоятда 81094 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 85734 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳўкуматининг жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартарарф қилиш бўйича кризисга қарши дастурининг бажарилишига кўмаклашиш борасида янги иш ўринларини яратиш режаси ишлаб чиқилган эди.

Шунга мувофиқ вилоятда касабани уюшмалари маблағи ҳисобидан 57 та иш ўрни яратилди. «Муборакнефтьгаз» УШК, Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Шўртаннефтьгаз» УШК, «Шўртангазким» мажмуаси, Талимаржон ИЭС унитар корхонаси, вилоят электр тармоқлари корхонаси ҳўмилийида ёшлар ўртасида «Менинг қишлоғим — менинг фарим» танлови ўтказилди. Тадбирларда касабани уюшмалари вакиллари фаол қатнашди. Шунингдек, қатор ташкилотларда, таълим муассасалари кутубхоналарида, вилоятдаги 19 та болалар оромгоҳларида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган кўргазмалар ташкил этилди.

Қишлоқларда ишлаётган ходимларни соғломлаштириш, уларнинг болаларини оромгоҳларда дам олдириш борасида ҳам ибратли ишлар қилинди. Маънавий-маърифий тадбирлар, вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилди. Шу билан бирга, спорт тадбирлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Жумладан, Шаҳрисабз шаҳридаги Беруний номи оромгоҳда бўлиб ўтган спартакиаданинг республика босқичида барча вилоятлардан келган ишчилар спортнинг 6 та тури бўйича беллашдилар.

Баркамол авлод йилида ҳам вилоятда юқоридаги хайри ишлар изчил давом эттирилади. Янги иш ўринларини яратилади, ўқув юртларида тахсил олаётган, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг иқтидорли фарзанд-

ларига касабани уюшмаларининг стипендиялари берилади.

Шунингдек, байрамлар арафасида муҳтож талаба ва ўқувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали тармоқ корхоналарига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қопланади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узок муддат фойдаланиладиган товарлар, уй-жой қурилиши учун янги оила қурган ёшларга фойсиз ссудалар олишга кўмаклашилади.

Дарвоқе, аини пайтда касабани уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари қизгин давом этапти. Бу касабани уюшмаларига қобилиятли, ислохотлар моҳиятини чуқур тушунадиган кадрларни танлаш ва жалб этиш учун имкониятдир. Шу боис ҳисобот-сайловларнинг танқидий руҳда, жиддий таҳлил асосида ўтказилишига алоҳида эътибор берилаяпти.

Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларда Наврўз байрами ва Баркамол авлод йилига бағишланган давра суҳбатлари, шеърят кечалари, учрашувлар ўтказилмоқда. Аиниқса, март ойининг бошида вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан Наврўз олдидан ҳашар ташкил этилгани ибратли воқеа бўлди. Унда 52 минг туп манзарали ва мевали дарахт ниҳони, 24580 донна гул кўчати ўтказилди, 27 минг гектар ерга ишлов берилиб, 1270 тонна чикинди чиқариб ташланди. 12 минг квадрат-метр уй-жойнинг атрофи ободонлаштирилди.

Ҳашарда 512 мингдан ортиқ киши қатнашди. Ҳашардан тушган маблағ оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, кам таъминланган оилалар фарзандларини, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини соғломлаштириш учун сарфланиши режалаштирилган.

Тинч ва фаровон юртва байрамлар ярашади. Бу вилоятдаги Наврўз байрамига тайёргарлик ишларида яққол кўзга ташланади. Шу муносабат билан барча корхона ва ташкилотларда, шаҳар ва туман марказларида, маҳалларда ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирларда касабани уюшма етакчилари иштирок этишапти. Наврўз айёми барчамизни янгилашишга, ташаббускорликка, энг муҳими, бунёдкорликка чорламоқда.

**Эсонбой РАҲАБОВ,
Қашқадарё вилоят
касбани уюшма
ташкилотлари бирлашмаси
раиси**

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабани уюшмаси Андижон вилоят раислар кенгаши



*Барча юртдошларимизни ва соҳа
ходимларини янгилаш ва яшариш
байрами — Наврўзи олам билан
муборакбод этади.*

*Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва
халқ фаровонлиги йўлидаги
меҳнатларинида Зафарлар тилайди.
Оиланизни тинчлик-ҳотиржамлик,
кут-баракани асло тарк этмасин!*

Баркамол авлод — мамлакат келажаги

Юртимизда соғлом турмуш тарзини яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ҳар бир халқнинг келажаги ёш авлоднинг қўлидадир. Улар эса ҳам ақлан, ҳам маънан етук бўлмоғи лозим.

Ҳам ақлан, ҳам маънан

Аини кунда Тошкент вилоят тасарруфида 892 та мактаб бўлиб, ўқувчилар сони 428757 тани ташкил этади. Вилоят бўйича 7 та академик лицей, 113 та касб-ҳўнар коллежлари мавжуд. Туман ва шаҳарларда Ёшлар ижодий марказларига алоҳида эътибор берилиб, улар давр талабига мос ҳолда таъмирланиб, ишга туширилмоқда. Бунга мисол қилиб, Зангиота туманидаги 27-бошланғич мактабнинг «ски биноси ўрнида очилган марказни олишимиз мумкин. Бу ерда ўқувчиларга ўймакорлик, бичиштиқиш, пишириққазлик ва шунга ўхшаш ҳўнарлар ўргатиб келинмоқда.

18 та корхонада эса олий ўқув юртларида қишлоқ жойлардан келиб тахсил олаётган 126 нафар талаба учун контракт пулларининг бир қисми корхоналар ҳисобидан тўлаб берилди ва бунга 98,7 миллион сўм сарфланди.

Баркамол авлод йили муносабати билан барча жабҳаларда долзарб ва муҳим масалалар белгилаб олинди. Шу жумладан, касабани уюшмалари ҳам «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бандларини бажара бориб, қўйидаги вазифаларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

— Ҳар бир корхона ва ташкилотда, таълим муассасасида, маҳалларда конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш ва муҳокама этишининг бошқа шакллари билан унумли фойдаланиш, касабани уюшма ташкилотлари етакчилигига ҳар томонлама билимдон ёш кадрларни сайлашга кўмаклашиш, меҳнат бозорига тенг шароитларда рақобат қилишга қодир бўлмаган шахслар, аиниқса, ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналарда иш ўринларининг яратилиши каби вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Шунингдек, Тошкент вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Баркамол авлод йили муносабати билан туман ва шаҳарлардаги ёшлар тарбияси билан шуғулланаётган таълим ва фан ходимларидан 420 нафарини Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан таништириш бўйича махсус жаҳдал тузилган бўлиб, унга оғишмай амал қилинмоқда.

Йил бошида амалга оширилган тадбирлардан энг муҳими, бу вилоят касабани уюшма фаоллари билан жойларда сайёр-семинар йиғилишлари ўтказилганлиги бўлди. Бунда республика Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузалардан келиб чиқадиган вазифалар ва «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мақсад ва аҳамияти тўғрисидаги маърузалар тингланди.

**Шухрат АЛИМУҲАМЕДОВ,
Тошкент вилоят касабани уюшма ташкилотлари
бирлашмаси Ёшлар кенгашининг масъул котиби**



Иқром ҲАСАНОВ олган сурат

Ёшлар доимо эътиборда

Йиллиқ либослари ярашиб, хўшбўй ифторини тараққатган, ўлкамизга Наврўз кириб келмоқда. Замондошларимиз нигоҳи, қайфиятида бетакор кўтаринчилик зоҳир. Назаримда, Баркамол авлод йилида кириб келётган Наврўз янада сертаралду ва ўзгача. Ҳаёт оstonасида турган навқирон талабаларга назар соларканман, бу баҳор чинакам баркамоллик фасли бўлишига ишончим ортади.

Педагогларга инсон руҳининг муҳандислари дея берилган таъриф жуда тўғри. Шунинг учун коллежимизда ўқув амалиётига кенг ўрин берилган. 2-3-босқич талабалари назарий билим олишдан ташқари педагогик-психологик ҳамда ўқув амалиёти соатларида ўз иқтидорини бойитиб боришади. Талабалар билан бирга қоғоз бўлақларини буқлаб шакл ясаш, ишга устида мунчоқдан натюрморт ва гуллар тайёрлашни машқ қиламиз. Кўпдан кўп фикр чиқади деганларидай, ёшларимиз бу борада жуда эҳзли. Тўқувчилик, каштачилик аънааналари дейсизми, таом, турли мевалар шаклини ясаш дейсизми, ҳуллас, жазм қилган ишларини қойил қилиб урдалашмаса, кўнгиллари тинчимайди.

Коллежимиз биносининг иккинчи қаватидан талабалар яратган асарлар жой олган. Мато, ишша, қоғоз, бўёқлар ёрдамида тайёрланган буюмлар ҳақиқийдан қилинганлиги ҳам бўлажак мутахассисларга кўрсатилётган гамхўрлик тимсолидир. Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси республика кенгаши эса 4 нафар талабага ана шундай стипендия тайинлаган. Шунингдек, 24 та талабанинг контракт пули жамоа шартномалари орқали тўлаб берилди.

**Шафот ТОШЕВА,
Каттақўрғон педагогика коллежи
директорининг ўринбосари**

Шуқуҳан кунлар ёғдуси

Наврўз айёмини қорақалпоғистонлик ёшлар ҳам хўш қайфиятда кўтиб олмақда. Ахир бу яшариш, янгилаш, баркамоллик ва гўзаллик байрами ҳар бир қалбга эзгулик олиб киради.

Чимбойдаги халқ ўйинлари сайли бахш этган кўтаринки қайфият умумхалқ хашари кунлари ёшларимиз қалбини янада жўштирди. Шу кунларда эса ҳар бир туманда, корхона ва ташкилотда, таълим муассасасида Наврўз нишонланапти. Ёшларимиз байрам тадбирлари ташкилотчасига айланмоқда.

Йилимизнинг «Баркамол авлод йили» деб аталиши, аиниқса, ёшларимизни хўшнуд қилган. Қомиллик эришиш истағи уларни доимий изланишга ундамоқда.

Ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш масалаларига касабани уюшмалари томонидан ҳам улкан эътибор қаратилмоқда.

Қорақалпоғистонда касабани уюшма аъзолари сони 366279 нафар, шундан 133047 нафарини ёшлар ташкил этади. Республика касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши томонидан режага мувофиқ қатор ишлар қилинапти. Утган йили раёсат мажлисида соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тармоғи корхоналарида ёшларга яратилган шароит масалалари ўрганиб чиқилди.

Бултур Наврўз кунлари соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси республика кенгаши томонидан Тўртқўл, Элиққалъа, Хўжайли, Қўнғирот тиббиёт коллежига спорт жиҳозлари тақдим қилинган эди. Бир йилдики, ушбу жиҳозлар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил

қилишга, саломатлигини мустаҳкамлашга ва ниҳоят бугунги Наврўзни хўшнудлик билан қарши олишга хизмат қилмоқда. Тармоқ кенгаши томонидан қишлоқда яшаб олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тахсил олаётган 14 нафар иқтидорли талабага стипендия ажратилганлиги ҳам бўлажак мутахассисларга кўрсатилётган гамхўрлик тимсолидир. Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси республика кенгаши эса 4 нафар талабага ана шундай стипендия тайинлаган. Шунингдек, 24 та талабанинг контракт пули жамоа шартномалари орқали тўлаб берилди.

Бу йил жамоа шартномаларига ёшлар учун турли имтиёзлар кири-

тилди. Эндиликда унинг ижросини таъминлаш ҳам зиммамизга улкан масъулият юклайди. Шунингдек, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш борасида ҳам кенгашимиз томонидан тадбирлар ишлаб чиқилган. Ота-боболардан бағрикенглик, ҳар қандай вазиятда эртанги кунга ишонч билан яшаш, ҳар бир онни хўшнудлик билан ўтказиш каби фазилатларни мерос қилиб олган қорақалпоқ ёшлари баҳорий кўтаринчилик билан янги кунга интилмоқда.

**Муратбой ДАНИЯРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
касбани уюшма ташкилотлари
бирлашмасининг Ёшлар
кенгаши раиси**

«GM-Ўзбекистон» қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Ўзбекистон халқини
ва юртимиз меҳмонларини
баҳор байрами —
Наврўзи олам билан
муборакбод этади!
Сизларга сиҳат-саломатлик,
оилангизга
файзу барака тилайди!

Куюш, нуринг сочавер, мўл-мўл.
Чаман кулсин ҳатто тошлардан!
Юртимизда қолмасин, дашт-чўл,
Баҳор, кетма бизнинг боғлардан!

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

**Бунёдкор халқимизни, айниқса, ҳаётини баркамол авлодни тарбиялашга бағишлаган
меҳридорё устоз ва мураббийларни, заҳматқаш муаллимлар ҳамда таълим тизимида
фидокорона меҳнат қилаётган соҳа ходимларини қадриятларимизни улуғловчи, дилларни
нурафшон этувчи қутлуг айём — Наврўзи олам билан муборакбод этади.**

**Ҳаётингиз баҳор гулларидек гўзал ва мунаввар, толе кўёшингиз порлоқ, умрингиз
маърифат нуридек ёруғ ва безавол бўлсин!**

Бағрикенглик, эзгулик ва шогирдлар камоли ҳаётингиз безагига айлансин.

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан тармоқ Марказий кенгаши ва унинг барча ҳудудий ташкилотларида меҳр-саховат тadbирлари, кўрик-танловлар, оилавий спорт мусобақалари, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, «Наврўз ва қадриятлар» мавзусида давра суҳбатлари, сумалак сайиллари, сайр-сабаҳатлар, байрам дастурхони атрофида турли маънавий-маърифий кечалар уюштирилмоқда. Жумладан, 13-14 март кунлари ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида таълим муассасаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Эзгу ишда касаба уюшмалари ташкилотлари алоҳида фаоллик кўрсатди.

Яшариш ва янгилашни айёми Наврўзни шод-хуррамлик билан қаршилаш, кам таъминланган оилаларга, фахрийлар, етим-есирлар ва ногиронларга байрам совғалари улашиш тармоқ касаба уюшмаларида анъанага айланган. Баркамол авлод йилида нишонланаётган Наврўзда республика таълим муассасаларининг ёрдамга муҳтож ходимлари, кам таъминланган оила фарзандлари бўлган талаба-ўқувчилар рағбатлантирилади. Байрам арафасида тармоқда узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийларга алоҳида хурмат кўрсатилди. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, совга-саломлар улашилади.

Бухоро вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши Наврўзни зўр кўтаринки кайфиятда қаршиламоқда. Тармоқ ходимлари март—апрел ойларида «Бу — менинг маҳаллам, бу — менинг шаҳрим» шiori остида ўтказиладиган ободонлаштириш ойлигида фаол иштирок этмоқда. Хар бир ташкилот, муассасада ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Наврўз олдидан умумхалқ ҳашарида барча маърифатчилар иштирок этди. Тармоқ ходимларининг бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» хайрия жамғармасининг жойлардаги бўлимларига кўчирилди. Ҳашар кунлари 12 нафар яқка-ёлғизларнинг уйларида таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Байрам арафасида анъанага кўра 40 та кам таъминланган, ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди, касалманд, ногирон ходимлар, фахрийлар ҳолидан хабар олинди, Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйда байрам тadbiri ташкил этилиб, тарбияланувчиларга байрам совғалари берилди. Шунингдек, олий ўқув юртли талаба-ёшлари ҳамда ўрта махсус касб-хўнар таълими тизимидаги ходимлар ўртасида стол тенниси, волейбол, футбол, Вобкент туманида миллий спорт ўйинлари, вилоят халқ таълими тизими раҳбар ходимлари ўртасида енгил атлетика спорт мусобақалари ҳамда Баркамол авлод йили муносабати билан «Баркамол авлод — озода ва обод юрт келажаги» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Наманган вилояти Янгикўрғон туман бирлашган кўмитаси томонидан Наврўз муносабати билан Бирлашган ва Бекобод кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жойлашган 11 та умумтаълим мактаби ўқитувчилари ўртасида волейбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди. 90 нафарга яқин спортчилар ўзaro беллашди.

Андижон вилоят тармоқ кенгаши ташаббуси билан меҳнат жамоаларида фахрийлар, ишлаб чиқариш илгорлари ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамони Сисатхон Абдуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими шоира Турсуной Содикова билан учрашувлар ташкил этиш орқали тантанали байрам тadbирлар ташкил этилди.

«Меҳрибонлик» уйларида фаолият кўрсатаётган тарбиячи ва энагалардан 10 нафарига Наврўз совғалари топширилди.

Байрам муносабати билан ижтимоий муҳофазага муҳтож кам таъминланган, кўп болали оилалар, байналмилалчилар, ногирон ёшлардан 120 нафарига моддий ёрдам уюштирилди.

Согломлаштиришга муҳтож, кам таъминланган оилалар вакиллари, ёш оилалар учун касаба уюшмалари тасарруфидаги сиҳаттоҳларга имтиёзли йўланмалар ажратилади.

Жойларда маҳаллий ҳокимликлар, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг оилалари ўртасида «Соглом оила» спорт мусобақалари ҳамда ўқувчиларнинг баҳорги таътил кунларида «Қушлар байрами», «Гуллар байрами», варрак учирш мусобақалари ташкил этилади.

Фарғона вилоят кенгаши «Меҳрибонлик» уйларига 500 минг сўмлик ҳомийлик ёрдам кўрсатди. 15-17 март кунларида умумтаълим мактаби етакчилари иштирокида «Юксак мақсадлар йўлида бирлашайлик» шiori остида Форум ўтказилиб, иштирокчиларнинг дам олиши таъминланди. Шунингдек, 23 мартда ўтадиган эл севган санъаткор Собиржон Мўминовнинг концерти ва байрам тadbирларида фахрийлар ва касаба уюшмаси фаоллари тақдир қилинди.

Хуллас, тармоқда Наврўз тadbирлари бир ой давом этиб, минглаб қалблар меҳр-оқибат, хайру саховатдан баҳра олади. Бу савобли ишларда касаба уюшма ходимлари, фаоллар иштирок этади.



Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши



Ўзбек халқини табиатнинг
уйғониш фасли
бўлмиш Наврўз айёми билан
муборакбод этади.

*Ёш авлодни
ҳар томонла-
ма етук ин-
сонлар қилиб
тарбиялаш
борасида бар-
ча ҳамкасб-
ларга муваф-
фақиятлар
тилаймиз.
Қалбингизни
қувонч ҳеч
қачон тарк
этмасин!*

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд Вилоят кенгаши

Эл саломатлиги йўлида
тинмай меҳнат қилаётган
тиббиёт ходимлари ва
барча юртдошларни
халқимизнинг қадимий
байрами — Наврўзи олам
билан табриклайди.
Уларга ижтимоий-
иқтисодий илоҳотлар
ҳамда «Баркамол авлод
йили» Давлат дастурини
амалга оширишда улкан
муваффақиятлар
тилайди.
Янгиланиш фасли ҳар
бир хонадонга
қут-барака, фаровонлик
ва шодлик
олиб келсин!



Тарихий манбаларда ёзилишича, Наврўз 5000 йилдан буюн нишонлаб келинади. Кۈёшнинг ҳамалга кириши — йилбоши, янги кун демакдир. Кۈёш баҳорги тенгкунликда ҳамал буржида бўлади.

Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаридида Жамшид подшоҳ бўлган, маъжусийлар дини — оташпарастликни енгади ва бу иш амалга оширилган кунни янги кун — Наврўз деб атаганини таъкидлайди. Шу боис жуда кўп алломаларимиз Наврўзни шоҳ Жамшид номи билан боғлашган.

Фирдавсийнинг «Шохнома», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит турк», Алишер Навоийнинг «Саъди Исқандарий», «Хазойинул-маоний», Бобурнинг «Бобурнома» ва Умар Хайёмнинг «Наврўзномаси»да ёзилишича, Наврўз байрамини ўтказишнинг шохлар учун махсус қонун-қоидалари бўлган. Масалан, уй-жойларни тозалаш, кўчат ва гуллар билан безаш, ота-она, яқин кишилари билан дийдорлашиш, марҳумларнинг қабрини зиёрат қилиш, гиналардан фориг бўлиш талаб этилган. Подшоҳлар байрамни олти кунга тақсимлаб, олти кунда олти тоифа халқни қабул қилган.

Наврўз Бухорода қозонтўлди дейилади. Яъни кишилар нимаки егулиги бўлса, дастурхонга тортишган. Бу одатларни илмий жиҳатдан олиб қарасак ҳам тўғри эканига амин бўламиз. Чунки айтиш кунларда организм витаминларга муҳтож бўлади, эскичасига айтганда «илиги қуриган» пайт. Кишдан эсон-омон чиққан халқ баҳорнинг биринчи неъматларидан баҳраманд бўлишади. Исмамоқ, ялпиз, беда, ўтлардан турли таомлар пишириб ейишади, баҳорнинг илк кۈёшида ундирилган бугдой сувидан сумалак тайёрлайди.

Раҳматли онамнинг айтишича, қадимда ҳам, яқин ўтмишда ҳам одамлар бу удумларга эътиборли бўлишган. Хива билан Урганч шаҳри оралиғида, Кۈшкўпир тумани ҳудудидида «Зорлик бува» номли катта зиёратгоҳ бўлиб, ўша ерда учта тумандан одамлар пиёда, қурб етгани от-аравада келиб байрам қилишган. Байрамга атаб янги кўйлақлар кийишган. Шу кун катта сайил ташкил қилиниб, Хоразмда ҳамма вақт қадрланиб келган

полвонлар қураши, дорбозлар ўйини, арқон тортиш, кўчқор уриштириш каби ўйинлар уюштирилган, голибларга соврин беришган. Аёл-қизларга ҳам ғамхўрлик кўрсатилиб, улар учун аргимчоқлар қуришган. Бўй етган қизлар аргимчоқ учиб бўйича мусобақалашган, тол баргидан сочларига гулчамбар

пиширади. Байрам дастурхони тузаб, уйнинг пештоқига машалалар ёқди.

Ҳа, Наврўз хайр-саховат, одамийлик, яхшилик байрами. Хоразмда Наврўз айёми кунлари «Пахса кўмак», яъни хашар удуми бор. Айниқса, кишлоқларда уй бошлаётган кишига яқинлари, қўни-қўшинлар кўмакка келади. Яхши ният билан уйнинг пойдевори тикланади, пахса қилинади. Шунингдек, Наврўзда 5-7 ёшли ўғил болаларнинг суннат тўйларини ўтказиш ҳам удум бўлган. Хива шаҳридаги 20-мехрибонлик уйида бу тадбир мунтазам ўтказиб келинади. Болаларнинг номига махсус ҳисоб рақамлари очилиб, пул ўтказилади.

Айни кунларда Наврўзга тайёргарлик ишлари оммавий тус олиб, кўчалар, маҳалларда, ишхоналарда байрам тараддуди кўрилади.

Мақтабларда ташаббускор ўқитувчилар байрам сценарийларини тузиб, мушоира, концерт, мусобақалар ташкил қилишмоқда. Барча таълим муассасаларида баҳорнинг, Наврўзнинг энг тансик таъому бўлган сумалак албатта пиширилади.

Бизнинг маҳаллада турли миллат вакиллари: қозоқ, туркман, татар, қорақалпоқ ва қорейслар бирдамликда яшаб келади. Наврўз муносабати билан барча миллат аҳли бир тану бир жон бўлиб, хизматга шай туради. Ижтимоий ҳўмога муҳтож кишиларга озиқ-овқат, кийим-кечаклар тарқатилади. Бу тарадуд вилоятнинг барча ҳудудларида ана шундай аҳиллик билан ўтади.

Зухра РЎЗМЕТОВА,
халқ таълими аълочиси,
Хоразм вилояти

Қадриятлар қадр ТОПГАН ЮРТ



тақишган. Бадавлат, саховатли кишилар қўйлар сўйдириб, катта қозонларда юртга, камбағалларга ош улашган. Кун бўйи бахши ва созандалар давраларда ғалма-ғалига кўшиқ, дoston айтишган. Хоразм воҳасида ҳозир ҳам «Гўрўғли», «Базиргон», «Ғариб-Шоҳсанам» дostonларини севиб тинглашади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши

Меҳнаткаш ўзбек халқини,
бободехқонларимизни
Наврўз билан
самимий қутлайди!
Хонадонингизга қут-барака,
оилангизга сиҳат-саломатлик
тилайди!



Халқаро майдонда тан олинган байрам



вожлантиришда муҳим рол ўйнашига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти. БМТ Бош ассамблеяси қабул қилган резолюцияда Наврўз кенг нишонланадиган давлатлар-

ҳақиқатга ўтадиган бўлсак, Наврўз шарқ халқларининг қадимий аънаёлари билан боғлиқдир. Қадимда Ўрта Осиёда ер ва сув хусусий бўлмай, балки жамоа мулки ҳисобланган. Суғорма деҳқончилиқ асосий шарт бўлгани сабабли ер унумдорлиги ариқ қозиш ҳисобига ортиб борган. Ҳар бир қишлоқ ариқларни кузатиб туриш, тозалаш ва ғамхўрлик қилишга аҳамият бериши зарур эди. Сув тақсимлаш, ариқларни тартибга

Тарихчиларнинг фикрича, ер юзида одамзод нишонлаб келаётган байрамлар орасида Наврўздан қадимийроғи деярли учрамайди. Шунинг назарда тутган ҳолда шу йилнинг 23 феврал куни БМТ Бош ассамблеяси «Халқаро Наврўз куни»ни нишонлаш тўғрисидаги қарорни бир овоздан қабул қилди. Унда мазкур байрам маданиятлараро мулоқот ва ўзаро тушунишни рағбатлантириши таъкидланади. Шу тариқа бу йилдан бошлаб Наврўз бирор-бир миллат ёки маданиятнинг байрами сифатида эмас, балки бутун инсоният меросининг бир қисми сифатида нишонланади. Бу байрам эндиликда халқаро ҳамкорликни р и -

нинг байрам билан боғлиқ аънана, маданиятини сақлаш ва ривожлантириш борасидаги хатти-ҳаракатлари юксак баҳоланади. Эндиликда БМТ қарорига кўра, Наврўз нишонланадиган мамлакатлар байрам билан боғлиқ аънана ва унинг келиб чиқиш тарихини ўрганиб, бу меросни халқаро миқёсда кенг тарғиб қилишлари керак бўлади. Бош ассамблея БМТга аъзо барча давлатларга мурожаат қилиб, Наврўз ҳақида ахборот беришни кучайтириш, шу билан бирга зарурат туғилганда ҳар йили Наврўз тантаналарини ташкиллаштиришлари юзасидан маслаҳат бери.

Бу байрамнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарихий маълумотлар даврлар ўтиши билан ҳар хил ривоят ва афсоналар орқали бизгача етиб келди. Беруний ва бошқа олимлар Жамшид тахта ўтирган кунини байрам деб, яъни «янги кун» деб эълон қилгани тўғрисидаги афсоналарни ёзиб қолдиришган. Афсоналардан тарихий

солиш ва ҳар йили эрта баҳорда ҳашар уюштириш жамоа оқсоқолларининг зиммасида бўларди.

Деҳқоннинг илк марта далага чиқиши янги кун деб аталган. Бу байрам меҳнатни улуғлашга, севишга, ундан лаззатланишга, ҳаёт шу меҳнат орқасидан ширин эканлигини одамларга тушунтиришда катта аҳамият касб этган. Бу байрам тупроқни ардоқлашга, зилол сувларни ифлослантирмасликка, табиатни севишга ва бу мўъжизалардан завқланишга ўргатган.

Наврўз кунини бир йиллик режа белгиланиб, халқ билан маслаҳатлашилган. Халқимизда йилни қандай бошласак, то охиригача шу кайфиятда юрамиз деган нақл бор. Бу йилги Наврўз ҳам яхши кайфият билан бошланди. Истаймизки, йил охиригача шундай бахтиёрлик ҳар биримизга ёр бўлсин.

Шарофиддин ТҮЛАГАНОВ

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилоятидаги вакиллиги

Юртимиз фуқаролари
ҳамда тармоқ
ходимларини баҳор
байрами —
Наврўз билан
чин дилдан
муборакбод этади.
Барчага мустаҳкам
соғлиқ, омад ва
бахт-саодат тилайди!



Самарқанд вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Тармоқ меҳнаткашлари

ҳамда барча

фуқароларни меҳр-мурувват

айёми, орзу-умидлар рамзи

бўлмиш Наврўз байрами

билан самимий

муборақбод этади.

Қалбингизни баҳорий кайфият асло тарк этмасин!

НАВРЎЗ МУБОРАК!

Ё насиб, барчага баҳор висоли,
Боғда булбул гулга айтади дилроз.
Гўдак юзидаги кулгич мисоли.
Офтоб барчамизни этсин сарафроз.
Киш қаҳрин эритган кундуз муборақ!
Янги кун муборақ, Наврўз муборақ!

Нихоллар ухламай кўйлақлар тиккан,
Газлама — гулдир, астар — япроғи.
Деҳқон қадамини кўмсаб энтиккан
Шу азиз ватаннинг азиз тупроғи.
Юракларга инган афрўз муборақ!
Янги кун муборақ, Наврўз муборақ!

Хушбўй кафти билан ўтмоқда тараб,
Шабада мажнунтол кокилларида.
Бойчечак уйғонар кўзи мўлтираб,
Ҳисдай тошган ариқ сохилларидан —
Кулиб мўралаган ялпиз муборақ!
Янги кун муборақ, Наврўз муборақ!

Ўримлар қатидан ёғиб ҳидоят,
Турналар осмонда арқон тўқийди.
Калдирғоч тилида бир ажиб оят —
Яхшилар шаънига дуо ўқийди.
Дилларни ёритган дилсўз муборақ!
Янги кун муборақ, Наврўз муборақ!

Ҳар қалбни ўзига этади асир,
Баҳорнинг бетакрор нашидалари.
Сумалак қозонга барака ташир
Самонинг субҳгўй фаришталари.
Аллоҳ инъом этган ризқ-рўз муборақ!
Янги кун муборақ, Наврўз муборақ!

Мингта Кўҳиқоғга этмасдим тортиқ,
Шу кунларга етган зўр бардошингиз.
Шу тоғлар тошидек бўлсин-ей қаттиқ
Дўппи остидаги азиз бошингиз.
Карғашойи атлас, зардўз муборақ!
Янги кун муборақ, Наврўз муборақ!

Ирода УМАРОВА

Гар сочимни қирқта ўрсам

Хушламайди кўйлагимнинг,
Этаклари торлигини.
Сезиб қолдим шунда ҳамон
Менда кўнгли борлигини.

Билмасангиз, билиб кўлинг,
Ишқ камонсиз ўқлигини.
Кеч англабсиз, ошиқ ўқини
Мендек қизнинг йўқлигини.

Малла сочлар ёнингизда,
Ҳаволаниб қараманг, ёр.
Гар сочимни қирқта ўрсам,
Шу кун қирқта бошигим бор.
Гулчехра УМИРОВА

Келинчак орзуси

Менинг гамим йиғлатгучимас,
Куч берар, қалб тилатгучимас,
Мен боламга ухлатгучимас,
Уйғотгучи алла айтаман.

Уйғон дейман шу юрт ҳаққи деб,
Уйғонмасанг, бу халқ халқми деб,
Манглаймда нурдек балки деб,
Уйғотгучи алла айтаман.

Ҳар ерларни қилмагин ҳавас,
Байрогингни берма бир нафас,
Парчала бу эрксизлик — қафас,
Уйғотгучи алла айтаман.

Соҳибқирон бўл болам дея,
Пойингдадир бу олам дея,
Кўксимдаги хур нолам дея,
Уйғотгучи алла айтаман.

Ухла, болам, алла демайман,
Бу дунё тўй — ялла демайман,
Ҳар деворни қалъа демайман,
Уйғотгучи алла айтаман.

Эй ботирим, ўғлоним, дейман,
Ўқ ўтолмас кўргоним дейман,
Жоним дейман, жаҳоним дейман,
Уйғотгучи алла айтаман.

У уйғонар қаддингни тут деб,
Тўксон икки томири юрт деб,
Эл деганда оловлар ют деб,
Уйғотгучи алла айтаман.

Шунда болам бедор бўлади,
Сарҳадларда хушёр бўлади,
Аллама мададкор бўлади,
Уйғотгучи алла айтаман.

Гулжамол АСКАРОВА

«МУБОРАКНЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ РАҲБАРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон халқини уйғониш, яшариш, янгилашиш ва орзу-умидлар рамзи бўлган Наврўз айёми билан самимий табриклайди.

Юртимиздаги барча миллат вакилларига тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайди.

Ҳар бир оилани қут-барака, мўл-кўлчилик тарк этмасин!

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси курултойида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошира бориб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини собитқадамлик билан ҳимоя қилмоқда.

Фидойи жамоанинг ислохотлар йўлидан бориб, астойдил ишлаётганлиги туфайли, Кўкдудалоқ конида компрессор станцияси, Алан, Култоқ, Помук, Зеварда, Жанубий Кемачи, Денгизкўл, Шимолий Ўртабулоқ Курук, Умид каби конларда кенг кўламдаги модернизация ишлари бажарилиб, ишлаб чиқариш ҳажми ўсди.

Иш берувчи билан тузилган жамоа шартномасига асосан ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларга йил давомида 1 млрд. 744,6 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу ҳар бир ходим ҳисобига 425 минг сўмдан тўғри келади. Корхонада ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 681,2 минг сўмни ташкил этди.

Инсон фақат меҳнат қилиш учун яшамайди, балки яхши яшаб кўнгилли ҳордиқ чиқариб, фарзандлар камолини кўриш учун ҳаёт кечиради. Ҳар йили касаба уюшмаси йўлланмаси билан 450-500 киши республикамизнинг баҳаво жойларидаги оромгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тикламоқда. Болалар оромгоҳларида минглаб ўғил-қизлар ёзги таътилни кўнгилли ва марокли ўтказишарти.

Касаба уюшма қўмитаси фаолиятидаги ибратли ишлардан яна бири корхонада меҳнат маслаҳатлари тизими жорий этилгани бўлиб, ушбу комиссия аъзолари иш вақтидан унумли фойдаланиш ва маҳсулот сифатини яхшилашга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.



Юз билан юзлашганлар

Хар бир қувончли кунда бўлгани каби Наврўз байрами арафасида Ромитан туманининг Деча қишлоғида яшовчи Зулайхо биби Ниёзованинг хонадони меҳмонлар, дўсту ёрлар, қариндош-уруғлар билан яна гавжумлашди. Улар 108 ёшга етган онахонни яшариш ва янгилашни айёми билан муборакбод этиб, яхши ният билан олиб келган совға-саломларини топширишди.

Рўзгоридан орттириб кимдир қозон-товоқ, чойнак-пиёла, кимдир кўрпа-тўшак, яна кимдир болаларга уст-бош келтириб берди. Меҳрибон кишилар хонадонларидан бошлана беришди. Ўз юртингдан, ўз элигидан қўямасин экан...

Зулайхо биби бугунги кунда ўғли Салим билан яшайди. Қолган фарзандлари ҳам ён-атрофида яшашди. 23 нафар набира, 62 нафар эвара, 18 нафар чеваранинг меҳрибон бувиси ҳаммиса ардоқда, давраларнинг тўрида, кўллари дуода. Юртининг ободлиги, халқ турмушининг фаровонлиги унга куч-қувват бағишлайди.


Онахондан узоқ яшаш сирларини билишга қизиқдик.

— Ҳаммиса ниятни пок қилиб, ҳалол яшаш керак. Қўлингиздан келганича бировга яхшилик қилинг. Ана ушунда Аллоҳ сизни доимо қўллаб-қувватлайди. Максатингизга етказди, — дейди онахон. — Ҳаракат, меҳнат доимий ҳамроҳингиз бўлсин. Пенсияга чиққач, яна 70 ёшимгача дада, томорқада ишладим. 80 ёшимда ҳам рўзгор юмушларига бемалол қатнашардим. Ҳатто 108 ёшимда ҳам мени суяб юришларини ёқтирмайман. Ўз оёғим билан юриб, тоза ҳавода айланаман. Набирам Муртазо врач. У ҳам, ёнимиздаги ҚВП шифокорлари ҳам доимо менинг саломатлигимни назорат қилиб туришди.

Бизда узоқ умр кўриш она мерос. Раҳматли онам 104 йил яшаганлар. Синглим Саломат 91 ёшда, ундан кейингиси Халима 89 ёшда. Шофирқондан йўловчи машинада мени кўргани тез-тез келиб туришди...

— Худудимизда салкам 18 минг аҳоли яшайди, — дейди Челонгу қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдор Раҳматов. — Улар орасида Зулайхо биби Ниёзова ва Суспанга қишлоғида 102 ёшли Хусния биби Мажидавдаларнинг ўрни бўлакча. Алғов-далғов замонлар, қимматчилик, қаҳатчилик, очлик, юпунлик жабрини бошидан кечирган ушбу табаррук инсонлар ҳаммиса эъзозда. Улар бугунги бахтли ҳаётдан ниҳоятда мамнун. Ниятимиз, улар яна қўллаб Наврўзларни халқимиз билан бирга кутиб олиб, давлатимиз гамхўрликларидан баҳраманд бўлиб юришсин.

И. ХОЖИЕВ



Зулайхо бибининг кўзларида севинч ёшлари зухур бўлди. Хурмат ва эътибор учун барчага миннатдорчилик билдирар экан, дуога кўл очиб юртимизга тинчлик, Юртбошимизга, халқимизга сихат-саломатлик тилади. Бугунги ҳаётимизга қайта-қайта шуқороналар келтираркан, ўтган кунларни ёдга олди:

Зулайхо бибининг дуоси

— Ушунда ўтган асрнинг зу-иилларида ўртаҳол деҳқон бўлганимиз учун турмуш ўртоғим, урта фарзандим билан Кавказ томонларга сургун қилинганмиз. Бегона юрт, бегона одамлар орасида бир бурда нонга зор бўлиб, ғариб қулбада кун кечирганмиз. Биз билан бирга қувғин қилинган ҳамюртларимизнинг кўплари хору зорликка чидай олмай ҳаётдан кўз юмишди. Айрилиқ доғи мени ҳам четлаб ўтмади. Аввал эримдан, бирин-кетин болаларимдан жудо бўдим. Қайғу-алам одамларни бир-бирига яқинлаштираркан. Мен каби хотини, икки боласидан айрилган Мирза Шариповга турмушга чиқдим. Қўп ўтмай фарзандларимиз — Жўра ва Зайнаб дунёга келди. Энди кўксимизга шамол текканда, турмуш ўртоғим шум хабар олиб келди: «Уруш бошланибди. Мабоодо, жангдан омон қайтмасам, болаларни олиб, Дечага, туғишганларим ёнига қайт», — деди-ю, фронтга жўнаб кетди.

Роса қийналдик. Орадан 4 йил ўтди. Хайрият, чекан азиятларим, уйқусиз тунларим, интизорлик билан кутганларим беҳуда кетмади. Уруш тугаб, эрим соғ-омон кириб келди. Она юртимизга қайтишга рўхсат берилган кун сира эсимдан чиқмайди. Ушунда қувончдан роса йиғлаганмиз.

Меҳр-оқибатли қишлоқдошларимиз бизни кучоқ очиб кутиб олишди. Эгнимиздаги кийимдан бошқа бисотимиз йўқ эди ушунда.

Баҳор кайфияти



Хар бир фаслнинг ўз таровати бор. Лекин зумрад баҳор ўзгача. Наврўз эса баҳорнинг ҳақиқий тантанасидир. Баҳорни қуйламаган шоирни, қўшиқчини, бирор санъаткорни топиш мушкул. Манзара-

чи rassom бўлганим учун қўллаб асарларим баҳорга бағишланган. «Чимёнсой баҳори», «Баҳор кайфияти», «Бодомлар гулганда», «Ариқ бўйида»... Ижод баҳона Ўзбекистоннинг деярли барча гўшаларида

бўлганман. Бу кенгликларни, тоғларни, дарёларни севмаслик мумкин эмас. Рассом кўзи билан қараганда баҳор ранглари нафисроқ, тозароқ, Барра ўтларнинг ёрқин ранглари, мовий осмон, гуллаган дарахтлар — барчаси инсонга завқ-шавқ бағишлайди.

Бўстонликдаги ҳовлимизга оилам билан тез-тез чиқамиз. Асарларимнинг салмоқли қисмини мазкур масканнинг бетакрор табиати акс этган полотнолар ташкил этади.

Кўкчадаги хонадонимизда ташкил этилган манзаралар галереясига чет эллик санъат ихлосмандлари ҳам ташриф буюришади. Уларнинг таъкидлашича, бизнинг табиятга, шайқас, баҳоримизга жуда ҳаваслари келар экан. Чунки бизнинг баҳоргина ўзининг фусункорлигини тўлиқ намоён эта оларкан.

Баҳорий кайфият барчамизга ёр бўлсин.
Мирза АНВАР,
Ўзбекистон халқ rassomi



«Ўзбекистон, сени қуйлайман!»

Фасллар келинчаги бўлмиш баҳор ҳар йили хайрли ишларнинг бошини тўтиб келади. Эътибор беринг-а, табиат уйғониши билан инсоният кўнгли ҳам уйғонади. Бетақрор яшиллик эса ҳаммамизга завқ-шавқ, ажиб бир илҳом бахш этади.

Куни кеча Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими ва Таълим ва Фан ходимлари Шайхонтоҳур туман бирлашган касабга уюшма кўмитаси ҳамкорлигида «Ўзбекистон, сени қуйлайман!» аънаваний ижрочилик фестивали ўтказилди. Фестивалда турли хил мактаб ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, ўқувчилар ижодий уйи тугарак раҳбарлари иштирок этишди. Таъкидлаш керакики, бундай санъат фестиваллари ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий аънаваларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларга миллий ва эстрада қўшиқчилиқ санъати, созандачилик, ракс ва шерьият жаҳалари орқали ўз истеъдодларини намоиш этишда пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилаётган бу каби тадбирлар, шубҳасиз бундан кейин ҳам давом этади.
Нозима РАҲИМОВА



Ижром ХАСАНОВ олаб қўйган

Учрашув
Кўксингизда яшасам дейман

Ўзбекистон халқ шоири, таникли драматург, адиб ва публицист Охунжон Ҳақимов 75 баҳорни кутиб олмоқда. Шу муносабат билан Фарғона вилоят ҳокимиятининг фармоишига мувофиқ апрел ойида шоирнинг юбилейи ўтказилади. Айни кунларда жойларда ижодкор билан учрашувлар уюштирилмоқда.

Устоз шоирнинг Фарғона давлат университетида ўтказилган «Кўксингизда яшасам дейман» китоби тақдими ўзига хос мушоирага айланиб кетди.

У.ИБОДИНОВ,
«Ishonch» муҳбири

Қатим тортлар қизғина



Елка оша жамалак соч Ипагига илашиб, Чимирлиган камалак қош, Кашта бирам ярашиб, Қатим тортлар қизғина...

Мусаввирлар автопортрет дейишди бундан... мен юқоридеги сатрларда ўзимнинг ўсмирлик йилларим қиёфасини кўргандек бўламан. ...Марғилонда дўппи тиқиш, ҳар тонгда куча ва ҳовлиларга сув сепиб суғуриш, чойнак ва пиёлаларни ярақлашиб ювиш каби юмушлар ўсмир қизларнинг ҳар кунги машғулотиди. Тенгқур қизларнинг ўз давралари бўларди. Галмагалдан бир-биримизниқига иш кўрпачаларимизни кўтариб кирардик. Айниқса, баҳор, ёзда ҳовлилардаги мева дарахтлари, сўртқоқлар соясида ўтириб, басма-басига қатим тортишардик. Ҳа, азбаройи барчамизнинг фикри хаёлимизда асосан тикаётган дўппимизда бўлганлиги сабабли, нина санчиб тортишимизда ипакиннинг овози ҳам эшитиларди.

Онам Маликахонойимнинг тиккан дўппилари маҳаллада, таниш-билишлар орасида овоза эди. Менга: «Энди катта қизсан, бир хунар ўрганишинг керак», — деб ипақ-сабоқ, тиззамга иш кўрпача берганлариди, ўн ёшга тўлмаганмиз. Дўгоналарим ҳам худди шундай. Узун ёш кунларида нинага термулиб тикиш қилгани-

шаклида ямоқ тикиб хайрон қолдирганим... — булар ҳаётимнинг эртатка айланган дамлари. Фақат меҳмонлар келганда ишлатиладиган мен учун бебаҳо сочиқларим бор — ёшли йилларимда уларга гуллар тикканман. Оналаримиз бизни дўппи тиқиш орқали кундалик турмушга гўзаллик олиб киришга, ҳар бир ишга ижодкорлик билан ёндашишга ўргатган эканлар. Ханузгача кимнингдир дўппи ёки

кашта тикаётганини кўрсам, қувонаман. Зеро, у турмуш сабоқларини олаётир. Аёл ва қизларнинг кўз нури, сабру бардоши, ирода-си, меҳр-муҳаббати, ижодкорлигига муқофот сифатида дўппини одамлар бошларида олиб юрадилар. Дўппида табиат ва инсон қалбидининг мўъжизалари, гўзалликлари мужассамлашгандай. Шу нуқтаи назардан қараганда, гарчанд юртимизнинг турли худудларида ўзига хос дўппи бўлса-да, дунё саҳнасида уларнинг барчаси меҳнатни, хунарни санъат даражасига кўтарган ўзбек аёлининг қўлларига, назокатли дилига олқишлар олиб келади.

Эсимда, ёлғиз ўзлари рўзгор тибратган отамга кўмак бўлсин учун онам биз — қизлари билан тиккан дўппиларини бозорга олиб кетар чоғида: «Ишқилиб, бугун ҳам қувдиқуди қилишмасин-да», деб чиқиб кетардилар. Чунки ўша бизнинг хотирамизда қолган 60-, 70-, 80-йилларда бозорда хунармандлар ўз махсулотини сотиши қонун йўли билан таъқиқланганди. Онам дўппиларни яширишча таниш-билишларга сотиб, баъзида эса қандайдир назоратчиларга олдириб қўйиб, хомуш қайтиб келардилар.

Хунарманд эл

Мўъжизалари, гўзалликлари мужассамлашгандай. Шу нуқтаи назардан қараганда, гарчанд юртимизнинг турли худудларида ўзига хос дўппи бўлса-да, дунё саҳнасида уларнинг барчаси меҳнатни, хунарни санъат даражасига кўтарган ўзбек аёлининг қўлларига, назокатли дилига олқишлар олиб келади.

Мухтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Logo: Jansonga naf keltirish... oliy baxt

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir: Abdusoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIIAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot 256-03-90, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43, Reklama va e'lonlar 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: T.Shernayev Navbatchi: N.Maxamov Musahhih: S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullilov

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farganish mumkin.

h) Tjorat materiallari Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 20.20

Buyurtma G — 252

20706 nuxxada bosildi ISSN 2010-5002 1 2 3 5